

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy – uslubiy jurnal

Samarqand

4 (61)/ 2016

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Джусупов М. Контактрование языков и культур в условиях полиязычия (лингвоконтрастивные и методические аспекты).....	5
Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи кайдлар.....	10
Бушуй Т.А. Профессор Джамалиддин Буранов – основатель узбекистанской типологической германистики.....	14
Мирзаев И.К. Л.В.Шчербанинг тилшуносликка доир айрим карашлари.....	22
Тухтасинов И.М. Таржима назариясида тиллараро эквивалентлик тушунчаси ва унинг тадқиқи.....	26
Normurodova N. Convergence as a means of emotional impact in the structure of linguistic personality.....	31
Мардиев Т.К. “Бахт” концептининг лингвомаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида).....	36

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Sanaqulov U., Qurbonov A. “Devonu lug‘otit turk” asarida adabiy til ilk tarmoqlarining yuzaga kelishi haqida.....	44
У Айжун Сопоставительное изучение китайских и русских невербальных средств, связанных с голосом, одеждой и причёской, цветом, пространством и временем в коммуникации.....	50
Туробов А. Қўшма сўз компонентлари хусусида.....	55
Рисаева О.М. К проблеме аспектуальной семантики сочетаний с функциональными глаголами.....	58
Йўлдошев У.Р. Ҳажв тушунчасининг моҳияти.....	62
Маматкулов А.Л. Тилнинг социолингвистик хусусиятлари ва “нутқий хушёрлик” ходисасининг ижтимоий-маданий табиати.....	67
Safarova U.A. Teleskopiya – hozirgi fransuz tilida so‘z yasashning aktiv usullari.....	71
Рашидова У. Соматик фраземаларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихига доир.....	75
Буматова А.М. Шэфрий матн талқини, таржимаси ва лингвопоэтика.....	82
Сайдазимова У. Ким Манжуннинг “Тўққиз кишининг булутли туши” романи бадий хусусиятлари.....	87
Насруллаева Н.З. Структурирование гендерных фреймов во фразеологии английского языка.....	92
Қурбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили (П.Қодиров асарлари мисолида).....	96
Юлдашев А. Идиоматик қўшма сўзларда концептуал деравация.....	101

ТАҚРИЗ

Нурбаева Ш. Ойбекнинг “Навоий” асари таржимаси хусусида.....	105
---	-----

ХОТИРА

Боймирзаева С., Рашидова У. Олим, устоз ва мураббий хотираси.....	108
--	-----



ҚЎШМА СЎЗ КОМПОНЕНТЛАРИ ХУСУСИДА

*Туробов Абдурайим Маликович,
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти*

Калит сўзлар: чатишма, аббревиация, қисқартма, семантик компрессияси.

Қўшма сўз компонентлари ўртасидаги синтактик муносабат ва семантик муносабат кичик синтаксис масалалари тавсифи нуктаи назаридан шартли равишда ўрганилади. Айнан шу мақсадда қўшма сўзлар сўз бирикмаларининг, баъзан эса гапнинг семантик компрессияси хусусида ҳам мулоҳаза юрита оламиз.

Қўшма сўз компонентларининг синтактик муносабати, гарчи у аксарият ҳолларда сўз бирикмасининг семантик компрессияси бўлса ҳам, сўз бирикмалари компонентларининг синтактик муносабатидан фарқ қилади. Фикр далили учун А.Н.Гвоздев берган қуйидаги мисолларга мурожаат этамиз: *рыболовства* *рыболов*, *сталеварение* – *сталевар*. Бу ўринда берилган қўшма отларда объект ва ҳаракат муносабатлари ўз аксини топганини кўрамыз. Бирок шуни ҳам айтиш керакки, объект билан ҳаракат ўз-ўзича муносабатга кириша олмайди. Бунда яширин ҳолда келаётган субъект ҳам катнашади ва натижада объект–ҳаракат–ижрочи тўғрисида синтактик боғланиш тасаввур этилади.

1989 йилда В. А. Белашапкова таҳрири остида чоп этилган “ Ҳозирги рус тили” дарслигида қўшма сўзларнинг аффиксиз шаклланиши ҳодиса сифатидаги тавсифи берилди. Мазкур ишда аффиксиз шаклланиши ясама сўзлар тўртга бўлиб ўрганилади:

1) Сўзларнинг соф қўшилиши; 2) чатишма 3) аббревиация; 4) қисқартма (усечения) (1.214).

Мазкур аффиксиз шаклланиши ясама воситалардан биз, асосан, соф қўшилиш ва чатишмага эътибор қаратамиз, зотан, улар қўшма сўзларни такозо этади.

Мазкур дарсликда сўзларнинг соф қўшилиши боғланиш ҳамда эргашиш орқали содир бўлиши мумкинлиги қайд этилади: *чёрно-белый, диван-кровать; водонепроницаемый, засухоустойчивый.*

Чатишиш усулида шаклланиши қўшма сўзларга қуйидаги мисоллар берилди: *быстрорастворимый, долгоиграющий.* Чатишиш ҳолатида шаклланиши қўшма сўзлар, одатда, сўз бирикмаларининг муқобили бўла олади (1.313).

Н. М. Шанский ва А. Н. Тихоновларнинг қайд этишларига кўра, икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг қўшилишидан ташкил топган қўшма сўзлар ичида ҳозирги рус тилида от ва сифат туркумларига тегишли сўзлар анча сермахсул саналади. Бундай усул билан янги феъллар умуман ясалмайди (3.68).

Ҳозирги ўзбек тили материалида ҳам қўшма сўз мавзуси анча мукамал ўрганилган. Бунда, айниқса, қўшма отлар ва қўшма сифатлар ясаши масаласига жиддий эътибор қаратилганини кўрамыз. М.Мирзаев, С.Усмонов ва И.Расуловларнинг “Ўзбек тили” (1996) дарслигида қўшма от ва қўшма сифатларнинг компонентлари ўртасидаги синтактик (микросинтагматик) муносабат қай тарзда шаклланиши ва уларнинг турлари яхши изоҳлаб берилган.

Дарсликда кўрсатилишича, қўшма отлар компонентлари ўртасида қуйидаги синтактик муносабатлар қайд этилади:

1. Аникловчи – аникланиш: *оққуш, учбурчак,*

2. Эга – кесим: *сойкелди, қорғонди.*

3. Тўлдирувчи- кесим: *муз ёрар, отбоқар.*

4. Ҳол – кесим: *босволди, олибсотар.*



5. Кесим (гап) – ундалма: *уртўқмоқ, ёрилтош*.

Кўшма сифатларда:

1. Эга-кесим: *бахтиёр*.

2. Аниқловчи – аниқланиш: *шимжон, шимранг*.

3. Тўлдирувчи – кесим: *тинчликсевар*.

4. Ҳол – кесим: *эртатишар* (4.118). Бу ўринда шу нарса характерлики, айни пайтда кичик синтаксисда ўрганилиши лозим бўлган аниқловчи-аниқланиш, тўлдирувчи – кесим, хол – кесим, кесим – ундалма тарзида синтактик муносабатларга жиддий аҳамият берилган. Бу жуда муҳимдир, зотан, сўз сатҳида бу сингари синтактик муносабатлар, ҳатто эга билан кесим ўртасидаги муносабат мавжудлиги бугунги кунда сўз синтаксисининг илмий асосланиши учун имконият яратмоқда.

Аслини олганда, бундай синтактик муносабатлар катта синтаксис текширув объекти–гап сатҳида ҳам кузатилади. Бирок, кичик синтаксис текширув объекти – ясама сўзларда масала тавсифи статик характерли эканлиги билан ажралиб туради. Гап компонентларининг синтактик муносабатлари эса ҳар доим динамик характерлидир.

А.Ғуломовнинг қайд этишига кўра, кўшма сўз бир бутун лексик маъно – бир мураккаб тушунча ва яхлит шаклланиш – грамматик структурасининг ҳам яхлитлиги, фонетик бутунлик билан характерланади, демак, у бир сўздир, унинг компонентлари-қисмлари орасида грамматик алоқа йўқ (лекин семантик алоқа бор) (5.33).

А.Ғуломовнинг фикрига кўшилиш мумкин. Айниқса, кўшма сўз компонентлари ўртасида семантик алоқа мавжудлиги муҳимдир. Албатта, ҳар қандай икки сўзни кўшиб сўз ясаб бўлмайди. Сўз ясаши жараёнида ўзаро муносабатга киришаётган сўзлар семантик дистрибуция камровида бўлади. Бирок, олимнинг кўшма сўз қисмлари орасида грамматик алоқа, яъни синтактик алоқа

йўқлиги ҳақидаги фикри, назаримизда, бир оз изоҳталаб кўринади. Чунки, кўшма сўзнинг ички структурасига муносабат этадиган бўлсак, у ҳолда унинг компонентлари ўртасида юқорида эслатиб ўтилган аниқловчи-аниқланиш, тўлдирувчи-кесим, хол-кесим ва х.к. тарзидаги микросинтактик муносабат мавжудлиги кўзга ташланади. Бизнингча, кўшма сўзларда ифодаланадиган маъно яхлит ҳолда идрок этилади. Уни қисмларга бўлиб бўлмайди. Синтактик нуктаи назардан эса кўшма гап қисмларини яширин алоқада дейиш мумкин. Бу ўринда юқорида эслатиб ўтилган атама –предикат тушунчаси кўлланилиши мумкин.

А.Ҳожиёв ўзбек тилида композиция ёки синтактик усул билан сўз яшаш, яъни кўшма сўзлар ясаши масаласига ижобий ёндашмайди. Олим бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўзбек тили сўз ясашига оид ишларнинг ҳаммасида сўз яшашнинг композиция усули қайд этилади ва у сўз яшашнинг махсулдор усули сифатида таърифланади. Бирок ходисага бевосита ўзбек тилининг ўз материалдан келиб чиқиб ёндашилса, бу тилда сўз яшашнинг “композиция усули” деб аташ мумкин ва лозим бўлган усули йўқлиги маълум бўлади” (6.8).

А.Ҳожиёвнинг фикрига кўра, ўзбек тилида икки мустақил сўз маълум грамматик шаклда бирикади ва бирикувчи сўзлар ўртасида грамматик алоқа борлиги сезилиб туради. Бундай бирикиш боғланиш натижасида луғавий бирлик, яъни лексема эмас, балки синтактик бирлик сўз бирикмаси ёки гап шаклланади (6.9).

Олимнинг фикрига кўра, *сувчи, текисла* сўзларидаги “-чи” ва “-ла” сўз ясовчи, “кўшма сўз” деб аталувчи сўзларда бундай ҳолат йўқ. Қирқ бурун, ит бурун, бойўғли, қирқ оғайни қабиларда сўз ясовчи қисм бирлик йўқ. Бинобарин улар сўз ясаши таркибига эга эмас ва бу сўзларнинг ясаши усули бор, улар бир усулда ясалган сўзлар дейиш мумкин эмас (6.9).

